



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil " 24 " mart

Қ-172 -son

Termiz sh.

**Жарқўрғон тумани "Сурхон" массиви**  
**ҳудудидан "SULTONBEK FAYZ BOG'LARI"**  
**МЧЖга боғ ташкил этиш учун ер майдони**  
**ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 06 мартдаги 05-02/201-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 13 февралдаги 01-05/62-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Жарқўрғон тумани "Сурхон" массиви ҳудудидан "SULTONBEK FAYZ BOG'LARI" МЧЖга боғдорчиликни ривожлантириш мақсадида туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 953к, 962к ва 963к-дала контурларидаги жами 35,7 гектар, шундан 1,74 гектар суғориладиган экин ер, 33,26 гектар яйлов, 0,15 гектар ариқ ва 0,55 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари боғ ташкил этиш учун (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузурадги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузурадги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Боболов**